

BUDGET RELATIONSHIPS AND THEIR FORMS

A. B. Taniev

Associate Professor

ABSTRACT:

This article describes the steps of the state budget system of the Republic of Uzbekistan on the basis of clear drawings, and the state budget is based on subsidies to the higher budget.

Keywords: Budget, Monsoon, Pogona.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими 2 даражадан иборат бўлиб:

- 1). Республика бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар;
- 2). Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг ташкилий - таркибини қуйидаги чизмада яққол намоён бўлади:



Ўзбекистон демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бунда давлат бюджетини шакллантириш муҳим ўрин

тутади. Шунинг ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси 2000 йил, 2 - чақириқ, III - сессиясида, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тузилиши ва таркибий тузилмаси таъминларини;
- давлат бюджети ва унинг таркибига кирувчи бюджетларни тузиш. Кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;
- бюджетнинг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш таъминларини;
- турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини;
- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш чоғида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш таъминларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларини ўзида ифода қилади. Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижросини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу қонунида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими икки поғонали бюджетдан иборат:

1. Республика бюджети.
2. Маҳаллий бюджет.

Қонунда кўрсатилишича, маҳаллий бюджетлар бўғинлари таркибига қуйидагилар кирилади: 1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети; 2. Вилоятлар бюджети; 3. Шаҳарлар бюджети; 4. Туманлар бюджети; 5. Шаҳарлар таркибидаги туманлар бюджети; 6. Туманлар таркибидаги шаҳарлар бюджети.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки молиявий органлар бюджетни бошқариш тизимининг ягона молия органи шароитида амал қилади. Ҳар қайси бюджетнинг бўғинлари ўзига хос даромад ваколати ва харажат мажбуриятларига эга бўлиб, улар бир бутун бюджет вазифаларини бажаришга асосланади.

Кейинги йилларда давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетларнинг ислохотларни амалга оширишдаги роли ошиб бориш тенденциясини кузатишимиз мумкин.

Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси экан барча даражадаги бюджетларни ўз ичига олувчи бюджет тизимига ҳам тарихан шаклланган давлатларнинг сиёсий тузилиши асосий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрида шакллантириладиган бюджетлар ўртасида бир бутун давлат бюджети даромад ва харажатлари тақсимланади. Давлат бюджетининг даромад ва харажатларини тақсимланишининг мукамал механизми мавжуд бўлмайди ва шунинг учун турли даражадаги бюджетларни тартибга солиш бўйича молиявий ресурслар оқимлари вужудга келади.

Ҳозирги шароитда мавжуд иқтисодий адабиётларда бюджетлараро муносабатлар тизими: даромад манбаларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш; харажат мажбуриятларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш; бюджетлараро трансфертлар тизими каби 3 таркибий элементдан ташкил топади деб эътироф этилади. Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши ва харажат мажбуриятларини ҳар бир бюджет бўғини учун бириктирилиши бюджетлараро муносабатлар тизимининг вужудга келишини асоси ҳисобланади. Шунинг учун даромадлар қанчалик даражада тегишли харажат мажбуриятларига юклатилса, шунчалик бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимланиши бўйича ўзаро муносабатлар қисқариб боради.

Даромадларни ҳар бир бўғиндаги бюджетларга бириктирилган харажат мажбуриятлари бўйича мукамал равишда тақсимланиш механизмини шакллантиришнинг имкониятлари мавжуд бўлмайди. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мамлакат ҳудудларидаги табиий, иқтисодий ресурсларнинг тенг тақсимланмаганлиги;
- ҳудудларнинг солиқ салоҳияти ва демографик муҳит шарт - шароитлари ўртасидаги тафовутнинг мавжудлиги;
- бюджет тизимини тартибга солиш мақсадида ҳудудларни молиявий тенглаштириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган даромадларнинг нисбатан юқори даражадаги марказлаштиришнинг зарурлиги ва бошқалар асосий таъсир этувчи омилар ҳисобланади. Юқоридаги омиллар бюджетлараро муносабатлар тизимини шакллантиришнинг объектив зарурлигини асослаб беради.

Бюджетлараро муносабатлар молиявий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида бюджет муносабатларидан ўзига хос хусусиятлари бўйича фарқланади. Уларнинг ўзига

хос хусусияти шундан иборатки, бюджет муносабатлардан фарқли равишда бюджет тизимининг турли бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлардир яъни бундай молиявий муносабатларда иштирок этувчилар сифатида марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида шакллантириладиган бюджетлар майдонга чиқадилар. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунга мувофиқ турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни қайта тақсимланиши куйидаги чизмада келтирилади.

Давлат бюджети даромадларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш йўллари

Юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш

Бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш

Бюджет ссудалари ажратиш

Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш.

Республика бюджетидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига қабул қилинган Давлат бюджети доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тегишли қабул қилинган бюджетлар доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. Toshkent: “Noshir”, 2012 y. 712 b.
2. Malikov T., Haydarov N., “Moliya: umumdavlat moliyasi” o‘quv qo‘llanma. Toshkent, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 y. 556 b.
3. Vahobov A., Malikov T. “Moliya: umumnazariy masalalar” o‘quv qo‘llanma. Toshkent, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 y. -316 b.
4. Edwin H. Neave Modern Financial Systems-Theory and Applications (The Frank J. Fabozzi Series), 2009. 332 o.p.
5. Bodi, Zvi; Merton, Robert. Finansy. Per. s angl. Uch.pos. – M.: Izdatelskiy dom «Vilyams». RF, 2013.